
Биография

Ренат Дониёров



Ренат Дониёров Қашқадарё вилояти Косон туманининг Гувалак қишлоғида туғилган. Ўрта мактабни битиргач, 1953 йилда Алишер Навоий номидаги Ўзбек Давлат университети (ҳозирги Самарқанд Давлат университети)нинг филология факультетига ўқишга кирди. Университетни имтиёзли тугатган Р.Дониёров 1958-59 йилларда Деҳқонобод туманида она тили ва адабиёти, ҳатто ҳарбий хизмат фанларидан дарс берди.1959 йил Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтидаги ўз фаолиятини лаборантликдан бошлади. 1967 йилда “Ўзбек тилига ўзлашган русча байналмилал шахс номлари” мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақият билан ҳимоя қилди. Сўнгра мазкур илм даргоҳида илмий ходим, катта илмий ходим, терминология бўлимининг бошлиғи лавозимларида фаолият кўрсатди. Ренат Дониёров Тил ва адабиёт институтида ишлаш жараёнида “Ўзбек тилининг техник терминологияси ҳозирги босқичда” номли докторлик диссертациясини ҳам адоғига етказиб, уни 1988 йилда муваффақият билан ҳимоя қилди.

Асарлари:

1961	“Инсон тақдири”нинг таржимаси (мақола) Ойдин ҳикоялари рус тилида (мақола) Ҳамза диний таассубларга қарши оташин курашчи (мақола)
1962	Таржимада миллий хусусиятларни акс эттириш масаласига доир (мақола) Кулги – кураш қуроли (мақола)
1964	“Навоий” романи таржимасининг бир хусусияти (мақола)
1965	Русча-интернационал сўзлар изоҳли луғати (ҳаммуаллифликда) Шолохов асарлари таржимаси ҳақида, Шолохов асарлари ўзбек тилида (мақолалар)
1970	Термин ва терминлар тўғрисида (мақола)
1971	Ўзбек тили техник терминларининг шаклланиш тарихидан (мақола), Москва
1972	Русча-интернационал сўзлар изоҳли луғати (ҳаммуаллифликда), қайта нашр
1973	Ўзбек тилининг техник терминологияси тарихидан (монография)
1976	Ижтимоий-сиёсий терминлар луғати (ҳаммуаллифликда) Ўзбек тили терминологик системаларининг шаклланиши ва тараққиётида рус тилининг ўрни (мақола), Уфа
1977	Ўзбек тили техник терминологиясининг айрим масалалари (монография)
1978	Техник тушунчаларни ифодалашда бирикма терминларнинг роли (мақола), Боку
1979	Ўзбек тили илмий терминологиясини тартибга солиш масалалари (мақола)
1984	Русча-ўзбекча луғат (ҳаммуаллифликда), 1-2 жилд
1985	Русча-ўзбекча ўқув луғати
1987	Ўзбекистондаги терминологик ишлар ҳақида (мақола), Москва

Асарлари:

1992 Русча-ўзбекча сўзлашув луғати

1994 Қисқача русча-ўзбекча ижтимоий-сиёсий атамалар луғати

Copyright © 2022
All Rights Reserved.